



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БУ ЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 29 июнь, № 126 (4279)

Жума

ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди



Ялпи мажлис муҳокама қиладиган муҳим масалалар ичида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мавжуд. Мухбирларимиз сенаторлар билан айнан мазкур қонун ҳақида суҳбатлашди.

— Ўлим жазосини бекор қилиш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга, демократик тамойилларни қарор топтиришга интилаётган ҳар қандай мамлакатда бениҳоя долзарб масала саналади, — деди Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Шавкат Аевзов. — Ўзбекистонда истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ ушбу масала босқичма-босқич равишда ҳал этиб келинмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Инсоннинг узвий яшаш ҳуқуқи жиноят қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Инсон ҳаётини бошқа бир одам маҳрум этишга ҳақли эмаслиги аза-

лий қадриятларимизда бўлган.

— Яшаш ҳуқуқи бизда олий қадрият ҳисобланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси Марҳамат Болтабоева. — Худди ана шу инсонпарварлик тушунчаларига асосланиб мамлакат Президентининг "Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган. Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида ана шу ислохот бўйича қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини муҳокама қиланди. Булар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳам ўзгартишлар киритади.

Бугун ўз ишини бошлайдиган юқори палатанинг ўнинчи ялпи мажлисида адолатли демократик жамият қуриш йўлида халқимиз ҳаётига дахлдор бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинади. Сенаторлар фаолиятига муваффақият тилаймиз.

Ш. ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Давр ва матбуот

Мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги кенг нишонланди. Ушбу байрам тадбирларида журналистлар билан бирга бир қатор соҳа вакиллари, зиёлилар, кўйинги, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши, байрамга ўзгача шукҳ бахш этди. Айниқса, Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриги бугунги кунда ушбу соҳанинг юрт тараққиётидаги ўрни нақадар муҳимлигини яна бир қарра исботлади. Ушбу табрик қалбларимизга қувонч улашди. Қўйида байрам табригига муносабат билдирган юртдошларимизнинг дил изҳорлари билан танишасиз.

ҲАЁТ ДАСТУРИ

Табриқни ўқиганимда касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ҳақиқат учун қурашишга тайёр туриш, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиш, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшаш зарурлигини янада теран англаб етдим. Бу — замон талаби, журналист зиммасидаги масъулиятдир. Ана шу талаб ва масъулиятни қалбга жо этиб, жаҳон миқёсида жоқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш ҳар биримизнинг фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

Табриқдаги сўзлар биз, журналистларни, умуман ижод аҳлини кўп нарсалардан огоҳ

этди: фикрини эркин ифода-ла, аммо адолатдан чекинма; эскина тафаккурлашдан бўғунлай ваз кечини қоғозда эмас, амалда исботла; ҳақиқат учун қурашда заковатингга ва шижоатингга суян; ҳаётини чигалликларни ечишда виждонинг амрига қулқ тут!

Уйламанки, бу ўғитлар нафақат каламидан нур тўқилувчи журналистлар, балки шу мустақил юртининг барча фуқаролари учун ҳаёт дастури бўлиши шубҳасиздир!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси «Ассолом» студияси бош муҳаррири.

ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ МУҚАДДАСДИР

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб суд-ҳуқуқ ислохотлари изчиллик билан босқичма-босқич ўтказилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётини янада демократик янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш бўйича ўтказилган ислохотларнинг мазмун ва моҳияти, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ўзининг муайян натижаларини бермоқда.

қикат, яшашга бўлган ҳуқуқ инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида намоен бўлар экан, деярли барча халқро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир" — дея эътироф этилган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ қонун билан қўрилмади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас", — деб кўрсатилган. Шу ўринда "Ўлим жазоси"

тушунчасининг ҳуқуқий моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтсак. Ўлим жазоси — давлат томонидан қонунга мувофиқ суд ҳукми билан инсонни ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, ўлим жазосининг қелиб қилиш сабабларини инсонлар ёки оилаларнинг бир-бирдан турли қелишмовчиликлар замирида қасос олиши, яқна ҳокимликка интилиш, ўз уруғининг дахлсизлигини сақлаш ва бошқа шахсий ва жамоавий қизиқишлари билан боғлиқ урф-одатларидан излаш лозим.

Тарихга мурожаат қилсак, собиқ Иттифок даврида бекор қилинган ўлим жазосини қайта

тиклаш ва Жиноят кодексининг ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган моддалари сонини ошириш сиёсати олиб бориладиганга гувоҳ бўламиз. Ушбу даврга оид маълумотлар таҳлили мамлакатда ўлим жазосидан асосан ҳурфирқлиги билан ажралиб турган, совет мафқурачига қарши кайфиятда бўлган кишиларни "халқ душмани" деб эълон қилиш ва уларни йўқ қилиш қуроли сифатида фойдаланилган, деган хулосани келтириб қўйарди. Мазкур сиёсат кўп йиллар республикамиз ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб келди.

(Давоми 2-бетда).

ФИДОЙИ МЕҲНАТ РАҒБАТИ

Ҳар бир инсон шиддат билан ўзгараётган замонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, айнан, матбуот, телевидение, радио ва интернет орқали билиб олади. Шу маънода бугун оммавий ахборот воситаларининг оммавий тараққиётидаги ўрни бекибсиздир.

Жамоамиз унчалик катта бўлмаса-да, лекин зиммамиздаги масъулият ҳам бошқаларникидан кам эмас. Умуман олганда, оммавий ахборот воситаси ходимининг масъулияти ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Газетамизда долзарб мавзуларда, мазмунли мақолалар chop этиш билан бирга, унинг ташқи қўриқлиши ва сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Чўнки бизнинг газетамиз ҳам марказий нашрлар ёки хориж матбуотида кам жойи йўқ. Тахриратимизда бунинг учун ижодий жамоа, замонавий моддий-техника базаси мавжуд. Очиғи, Президентимизнинг табриғидаги вилоят ва туман газеталарининг сезиларли ўзгаришлари ҳақидаги сўзларни қайта-қайта ўқидим. Жуда тўқилганим кетдим. Дарҳақиқат, бу замонда астойдил меҳнат қилган киши доимий эътирофга бўлади.

Файиз ҲАЙДАРОВ,
«Ургут садоси» газетаси муҳаррири.

МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2006» кўрик-танлови натижаларига кўра, бир гуруҳ ҳамкасбларим қаторида мен ҳам ғолиб бўлдим. Бошим кўкка етди. Айниқса, Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини газета орқали ўқиб янада хурсанд бўлдим. Ўзбек журналистлари фаолиятини юксак баҳо берилган бу табриқдаги «Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чу-

қур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-хунар ва мутахассисликни ўзида муҳассамлаштирган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз» деган лўриқмат сўзларни ўқидим, ўзимга-ўзим «Мен ана шу хусусиятларнинг эгасиманми?» деб савол бердим. Ва шунда журналист сифатида нафақат газета ва журналларда, балки нашриёт ва матбаа соҳасида ишлаш нақадар мураккаб, масъулиятли вазифа эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Забинисо МИРЗАҲАКИМОВА,
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахриратига катта муҳаррири.

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!



Жамиятни олдинга, мамлакатни тараққиёт сари элтувчи куч, бу яратувчанлик гоёсидир. Президентимиз раҳнамоларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам ана шу эзгу гоёга асосланган. Мана 16 йилдирки, биз улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳимиз. Бу ўзгаришлар ён-атрофимизни, маҳаллаларимизни, юртимизни обод қилаётгани бор гап. Шунингдек, янгилаш жараёнининг одамлар қалбига қўйилгани ҳам катта ютуқдир.

Бугуннинг одамлари

Абдусалом ака табриқор одам. У бир пайтлар ширкатнинг илгор чўпониман, деб мақтангани, расмим идорамизнинг хурмат тахтасидан тушмайди, дея гурула-нишни яхши кўрарди. Аммо ширкатнинг берган мао-шини боласининг бошига кийим олса, оёғига етказол-май хуноб бўларди. Ҳозир шу киши фермер, чорвачи-лик билан шуғулланади, қарамоғида юзлаб туёқ бор. Бугун у мактанмайди, аксинча, уни мақтаётдилар: таб-биркорлик ортдан обрў-эътибор қозонди, дангилла-ма уй қурди. Қишлоғидаги мактабни бошдан-оёқ та-мирлаб, элдан дуо олди. Бир ғайратига ун ғайрат қўшилган фермер ўз ишидан, ҳаётидан мамнун. "Булар-нинг барчаси истиклол шарофати билан!" дейди у.

Юрт посбониман!

— Болаликдан ҳарбий бўлишга қизиқардим, — дей-ди Куролли Кўларимиз сафида хизмат қилаётган од-дий аскар Рустам Мустафоқулов. — Бахтим бор экан, ҳарбий бўлдим. Она-Ватанимизнинг ҳар бир эгаси нафақат мен, балки бошқа сафдошларим учун ҳам

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Эрбас Индастри» халқаро консорциуми билан олтирта ўрта магистрал А-320-200 самолётларини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади.

«ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАПАРКИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Шартномани имзолаш мароси-мида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директори Валерий Тян авиакомпания авиопаркини янгилаш ва унификация қилиш йўлидан бо-раётганини таъкидлади. Бунда Фарбда ишлаб чиқарилган ҳаво ке-малари ҳамда мамлакатимизнинг Ил-114-100 лайнерларини сотиб олиш кўзда тутилган. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатда Фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди ва режалар равиш-да амалга оширилмоқда.

Ҳозирда авиакомпания хори-жий кредитларни, жалб қилиш ҳисобига самолёт паркиннинг кат-та қисминини янгилаб бўлди. Бугун миллий авиакомпания 16 та замо-नावий ҳаво кемасига эга. Бу —

Американинг Боинг-767-300ER ва Боинг-757-200, Европанинг А-310 ва RJ-85 самолётларидир. Улар чет мамлакатларга деярли барча рейс-ларни ҳамда республика ичидаги рейсларнинг бир қисмини бажар-моқда. Ҳозирда уларга «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»да ишлаб чиқарилган Ил-114-100 ўрта магис-трал самолётлар ҳам қўшилди.

«Эрбас Индастри»да ишлаб чи-қарилган биринчи самолёт илк бор «Тошкент» аэропортига 1993 йил 16 июнда кўнган эди. Бу миллий авиа-компаниямиз томонидан фойдала-нилаётган биринчи Фарб ҳаво кема-си — А-310 эди. Шу пайтдан бош-лаб Ўзбекистон авиакомпаниясининг самолётлар паркни янгилаш дас-тури амалга оширила бошланди.



(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муам-молари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ ФИКР — КЎЗГҮ

Унда «Ижтимоий фикр» жам-оатчилик фикрини ўрганиш мар-кази ташкил этилганлигига 10 йил тулиши муносабати билан марказнинг собиб ўтган йўли, фуқаролик жамиятини барпо этишда унинг тўтган ўрни ҳақида фикрлар билдирилди.

Шунингдек, семинарда «Фуқаро-ларнинг алектрал ҳуқуқини ўрга-нишда социологик усуллар» мав-зусида маъруза ҳам тингланди. Жа-миятдаги сиёсий жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъ-минлаш, партияларнинг халқ ичи-га янада чуқурроқ кириб бориши-

да ижтимоий сўровларнинг аҳам-иятини ошириш каби масалалар юзасидан семинар қатнашчилари-га амалий тавсия-лар берилди.

Семинар иши-да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, ЎзФА, УзМУ, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ин-ститутлар вакиллари иштирок этишди.

Қобил ХИДИРОВ.

Анжуман

бунда ОАВнинг роли» мавзу-ида ўтказилган форумда шу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтил-ди. Мазкур тадбир Ўзбекист-он мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахбор-от агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Бугун юртимиз оммавий ахборот воситаларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолияти, қўлга киритаётган ютуқлари кенг ёритиб берилмоқда. Бу, ўз навбатида, йигит-қизларимизни чуқур билги-малакали бўлишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ҳамда ҳар бир ишга масъулият билан ёнда-шишга ундаётгани шубҳасиз.

Кеча «Камолот» ёшлар ик-тимой ҳаракати Марказий кенгашида «Мамлакат ҳаёти-даги янгилаш-ларда ёшлар-нинг фаолиги-ни ошириш ва

жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳам-корликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси вакилла-ри, Олий Мажлис Қонунлиқ па-латаси депутатлари, «Камолот» ЕИХ аъзолари, газета ва жур-нал бош муҳаррирлари ҳамда журналистлар иштирок этган форумда ёшлар ютуқлари, му-аммолари ҳамда уларни барта-раф этиш йўллари ҳусусида сўз

борди. Форумда «Ёшлар сиё-сатчи амалга ошириш, ёш ав-лоқни Ватанга муҳаббат, турли ёт қояларга қарши қурашишда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти», «Мамлакатда амалга ошири-лаётган исллохотлар жараёни-да ёшларнинг ўрни», «ОАВда ёшлар мавзусининг ёритили-ши» каби мавзуларда муноза-ралар ўтказилди.

Форум доирасида Матбуот ва ОАВ ходимлари кўни му-носабати билан энг фаол жур-налистларни тақдирлаш маро-

симини бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ах-борот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қув-ватлаш ва ривожлантириш жа-моат фонди томонидан ахбор-от агентликлари, босма ва интернет нашрлар журналист-лари ўртасида ўтказилган анъ-анавий «Жамият ва Мен» тан-лови ғолиблари номи эълон қилинди.

Тадбирда журналистлар ун-ун «Ижтимоий-сиёсий мавзулар-нинг матбуотда ёритилиши» мавзусида семинар-тренинг таш-киллаштирилди. Унда мамла-катимиздаги таниқли журналист-лар ва соҳа мутахассислари журналистика жағрафиянинг не-зарий ва амалий жадваллари ҳу-сусида маъруза қўйилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда

Навобий шахридаги "Кизилкум-цемент" очик акционерлик жамиятида йилга уч миллион тоннадан ортиқ 400 маркали куруқ цемент, 2,5 миллион тоннага яқин клинкер ишлаб чиқаришмоқда.

Корхонада кейинги йилларда капитал таъмирлаш ва модернизация ишларини амалга ошириш натижасида цемент ишлаб чиқариш икки, экспорт ҳажми 11 мартаба ортди. Жорий йилнинг ўтган даврида қарий икки миллион тонна цемент ишлаб чиқарилиб, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олти марта кўп демакдир. Янги иш ўринлари яратиш, корхона салоҳиятини янада ошириш мақсадида бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратишмоқда.

Қишда муаммо бўлмасин

Жиззах вилоятида газ узатиш тармоқларини қишқи мавсумга тайёрлаш ишларига ҳар йилгидан барвақт киришилди.

«Узтрансгаз» унитар корхонасининг вилоят бошқармаси белгиланган 1,4 миллиард сўмлик таъмирлаш ишларининг қарийб ярмини бажариб бўлди.

Зарбдор туманидаги Янги Бўстон шахарчаси аҳолиси киш кунларида газ босими пасайиб кетишидан қийналар эди. Газчилар ушбу муаммони ҳал этиш учун 1,1 километр узунликдаги газ узатиш қуурларини янгиладилар.

Билимдонлар баҳси

Хоразм вилояти касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» танлови ўтказилди.

Унда вилоятнинг Хива, Ҳазорасп, Янгибозор ва бошқа туманлардаги коллежлар жамоалари қатнашдилар. Танлов вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Беллашувда Политехника ва тадбиркорлик коллежи жамоаси ғолиб бўлди.

Ноёб археологик топилма

Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғидан қадимги ҳаммом биноси топилди. Қазилма ишларида жалб этилган республика Фанлар академияси Археология институти ходимлари меъморий жиҳатдан ўта ноёб ҳисобланган топилма Соҳанилар даврига мансублигини таъкидлашмоқда.

Ер тўбидан бутун деворлари билан исқилибдирилган бундай ҳаммомлар ўз даврида катта кашфиёт бўлган. Мазкур ҳудуд асрлар давомида бир неча бор сув тошқинига дучор бўлишига қарамай иншоот гишлари асл кўринишини йўқотмагани бунёдкор аҳдоқларимизнинг меъморчилик маҳоратидан дарак беради.

Археологлар қазилма ўрни қадимда шаҳар бўлганлигини тахмин этмоқдалар. Унинг сир-синоатига етиш мақсадида изланишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, бу ердан топилган тангалар Наманган Давлат университети олимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилляпти.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиапарки



янгиланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўрта магистрал А-320-200 самолётлари беҳис танланмади. Уларнинг асосий афзаллиги — иқтисодий тежамкорлиги ва замонавий модификацияга эгалиги: Бу самолётлар 5000 километргеча бўлган йўналишларда фойдаланилади. А-320-200нинг ёқилғи сарфи Ту-154 га нисбатан икки баравар кам, сўямини эса бир хил.

Шартнома тузилгандан сўнг «Эрбас Индустри» консорциумининг Шаркий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича вице-президенти Андриас Крамер Ўзбекистон авиакомпанияси билан ҳамкорлик жуда самарали бўлаётганини таъкидлади.

Биз ўзбек бозорига биринчи бўлиб келдик ва ўша пайтда узоқ магистрал А-310 ҳаво кемасини етказиб бердик, — деди у. — Шундан бери бизнинг ҳамкорлигимиз муваффақиятли ривожланиб келмоқда. 15 йил ичида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ишончли ҳамкор ва хавфсиз ташувчига айланди, шу боис унинг истиқболли порлоқ. Компаниянинг ривожланиш суръатлари танланган стратегиянинг тўғрилигини кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси баътафсил тахлилдан сўнг икки хил салонли вариантни танлади. Унда 150 нафар йўловчи бизнес ва эконим класс салонларда жойлаштирилади. Салонлар ва учувчилар кабинаси ичини жиҳозлашда буюртмачининг тақлифлари ҳисобга олинди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз мустақилликка эришганича бу борада инсон ҳаёти олий қадрият эканлиги ҳақидаги конституциявий қоидадан келиб чиқиб, ўлим жазосини босқичма-босқич равишда бекор қилиш сийбати амалга оширила бошланди.

1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган принциплари ва нормаларини миллий қонунчиликка уйғунлаштириш асосида ишлаб чиқилган ҳамда халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Бинобарин, дастлаб мамлакатимиз жиноят қонунчилигида 13 турдаги жиноятларни содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Жиноят кодексида ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар сони 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда 4 тагача қисқартирилди. 2003 йил декабрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Жиноят кодексида атиги иккита ўта оғир жиноят, яъни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ҳамда терроризм учунгина ўлим жазоси назар-

да тутилди. Шундай қилиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида жиноий жазо тарихисидан ўлим жазосини таъинлаш изчиллик билан қисқартирилиб борилди. Бу борада олиб борилган ишлар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича ўтказилган ислохотларнинг нати-

беш йилда 40 та мамлакат ўлим жазосини бекор қилганлигини кўраимиз.

2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармоннинг қабул қилиниши бир

зоси ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий чоралар қўрилиши лозимлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўзини ялти мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати би-

кидлаш лозими, мазкур нормалар умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўйича 1995 йилдаги БМТ тавсияларининг асосий тамойилларига тўла мос келади.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар умрбод озодликдан маҳ-

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган инсонпарварлик принциплари ва халқимизнинг аъёнларини тадрижий ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши кўпгаб хорижий давлатлар олим ва мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Чунки, Германиянинг Гамбург университети профессори Райнер Келернинг эътирофи эътиҳа, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакат ривожланишида, жиноят қонунчилигида инсонпарварлик принципи қарор топишида муҳим қадамдир. Шунингдек, Бремен университети профессори Х.Ликтенберг ўлим жазосининг бекор қилинишини мамлакатимизда демократик ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлашнинг сифатида баҳолади.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши масаласига мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг факат мантқий давоми сифатида қараб лозим. Улайимизки, мамлакатимизда давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилади.

Хошма-Мурод ИСОҚОВ
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари.

ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ МУҚАДДАСДИР

жаси ўларок Ўзбекистонда ўлим жазосини бунундай бекор қилишга эришилди.

Айни пайтда шуни таъкидлаш лозими, дунёнинг 86 мамлакатини қонунчилигида ўлим жазоси жазолар тизимидан чиқариб ташланган, 11 та мамлакатда фақат уруш ҳолатларидагина ўлим жазоси қўлланилиши мумкин, 24 та мамлакат қонунчилигида эса ўлим жазоси назарда тутилган бўлса-да, амалда қўлланилмайди. Шундай қилиб, бугунги кунда 121 та мамлакатда ўлим жазоси мавжуд эмас ёки амалда қўлланилмайди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши динамикасига назар ташласак, охириги ўн

томондан инсон ҳаётининг олий қадриятлигининг яна бир эътирофи бўлса, иккинчи томондан ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантқий давоми бўлди. Фармонда бу борадаги муҳим вазифалар сифатида жамоатчилик ўртасида кенг қўламли тушунириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш, ушбу жараёнда аҳолига ўлим жазосидан воз кечиш сабабларини чуқур тушунириш, хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, ўлим жазоси ўрнига тайинланадиган умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жа-

лан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини маъқуллаш масаласи киритилган. Мазкур Қонунда ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариш, умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш, уларни тайинлаш ва ижро этиш тартиби, шартлари белгилаб қўйилди. Чунки, қонунчиликдан ўлим жазоси чиқариб ташланди, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинлиниши белгиланди. Таъ-

рум қилиш жазоси тайинлиниши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда жумо қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини, шунингдек, судьяга умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсга афв этишини сўраб илтимоснома киритиш ҳуқуқини тушунириш мажбуриятини юқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ўлим жазоси қўлланиши борасида амалга оширилаётган жиноий-ҳуқуқий сийбати умуммаҳорон жараёнларига тўлиқ мувофиқ келади ҳамда

Боғларимиздан бол томади



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Бу кун серкўёш диёримизнинг боғу роғларидидаги тўкин-сочинликини кўриб кўз қувнайди, дил яйрайди. Ёз нөҳматларининг ҳушбўй хиди димоққа урилади. Авжи пишқилчилик палласи эмасми, боғларда меҳнат қилаётган боғбонларнинг ҳам, гарк этилган меваларни нест-нобуд қилмай йиғиштиришга ёрдамлашаётган ишчиларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Айтинг, замини тиллога тенг, боғларидан бол томаётган бундай юрт яна қайда бор.

Фаргона вилояти Бағдод туманидаги «Ўткирбек» фермер ҳўжалиги боғдорчиликка иктисослашган. Ҳўжалик раҳбари Усмоножон Холдоров олти гектар ерда боғ яратган фермер. Бу ерда йигирмадан зиёд мевалар экилиб, эл дастурхонига тортиқ этилади. Жорий йил ҳам боғлардаги мевалари вақтида териб олиш ишлари авжида.

СУРАТЛАРДА: ишчи Юлдузхон Холдорова.

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!



(Давоми. Боши 1-бетда).

нондек азиз эканлигини хизмат жараёнида англаб етдим, уқдим. Мамлакатимиз дахлосизлигини таъминлаш, ота-онам, ака-укаларим, олашнинг қўлини ҳўзур-ҳаловатига пўтур етказмаслигини энг олий бурчим, деб биламан.

Ушбу муқаддас бурчининг шараф билан адо этилиши йўлида хизмат қилаётганимдан, Ўзбекистон аскар эканлигимдан ҳаммиша мағрурланиб юраман!

«Мақтабимиз — матлабимиз!»

Фахру ифтихорига йўрилган бу иборани Учкўприк тумани, Тўқсонқовун қишлоғида бутунлай янгича қиёфа касб этган 35-мактаб ўқитувчилари изҳор этишди. Бир-бирига гал бермасдан қувониб тапира-

ётган устоз-мураббийларнинг бу сўзларидан таъсирланмай бўладими? Зотан, улар бугун таълим соҳасида, ҳусусан, мактаб таълимини ривожлантириш борасида Президентимиз раҳнамолигида оламшумул ишлар амалга оширилаётганини ўқитиб тушунишди. Бу, албатта, ўқитувчиларимиз қалбига олам-олам қувонч бағишлайди.

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан марказий оммавий ахборот воситалари ходимларининг жойлардаги янги мактаблар билан танишуви яхши анъанага айланди. Водий вилоятларидаги янги мактаблар билан танишиш асосида кўпгина мулоҳазалар ўртага ташланди. Айниқса, бизга ҳамроҳ бўлган ёши улуг ўқитувчилар ибратли бир фикрни айтишди: «Нурраб қолган мактабларни излаб ҳам топиб бўлмайдиган замоналар келаяпти. Фақат мактаб биноси эмас, таълим тизимига, дарсликларда, хаттоки ўқитувчи маошигача бўлган жараён ҳуқуқат назарида. Биз шунча ишлаб, таълимга, мактабга бу қадар юксак ғамхўрлик кўрсатилганига шохид бўлмаганмиз. Бундай эътибор ноёб меваларини бермасдан қолмайди, албатта!»

Бebaҳo нeъмaт

Юртимизнинг турли масканларида яшаётган одамлар билан истиқлол ислохотлари ҳақида фикрлаша туриб, бир нарсадан қувондик. Яъни, бугуннинг одамлари ҳар қандай муаммони ўзлари бақамти ва бамаслаҳат ҳал этаётдилар. Шаҳрисабзлик Еқуб отанинг гапларига эътибор беринг-а:

— Болалик пайтимиздаги шароит билан бугунги кун ўртасида ер билан осмонча фарқни кўраман, — дейди у киши. — Чой қайнатишининг ўзи катта муаммо эди. Ахир, газ деганларни тасавурумизда ҳам йўқ эди. Тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳам ўзига, ҳам ён қўшниларига нафти тегаетган кишилар кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу эркинликнинг меваси эмасми?! Яқинда азим Тўкентга бориб, қайтдан ёшаргандек бўлдим. Ҳар бйрт гўшадаги ободончиликлардан беҳад шодландим. Қандинки, бундай ўзгаришларга ҳар биримиз имкон қадар кўпроқ ҳисса қўшолсак. Ҳар ким биттадан ниҳол қадаганда ҳам қанчалар савоб бўлади.

Аслида, бундай мулоҳазалар бebaҳo аҳамиятлидир. Зотан, истиқлолни қадрловчи, Ватан равнақини ўз манфаатлари қаторига қўйганларгина шундай фикрлашади. Мухими шундаки, бугун бундай кишилар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг хатти-ҳаракатларида яқдиллики, шу азиз Ватан барчамизники, деган фикрни уқиб мумкин.

Ону тафаққурининг эзгулик томон эврилаётгани, мана шу аслида! Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Афғонистон Ислам Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазирлиги Мухаммад Исмоилхон бошчилигидаги ушбу мамлакат делегациясининг Ўзбекистонга таширфи нияҳосига етди. Афғонистонлик меҳмон Тошкентда «Ҳазрати Имом» мажмуаси зиёрати чоғида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан сўхбатда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида бўлиб ўтган музокара-ларнинг асосий натижалари ва мамлакатимиз бўйлаб сафари таассуротларини ўртоқлашди.

Ўзбекистон ва Афғонистон: МУШТАРАК ТАРИХ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

— Исмоилхон жаноблари, Ўзбекистонга таширфининг асосий натижаларини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий, жумладан, электро-энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги истиқболлари қандай?

— Икки қўшни дўст давлатлар сифатида биз барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришимиз зарурдир. Ўзбекистонга таширфини режалаштираётганимиз чоғида унинг муваффақиятли ўтишига умид қилган эдик.

Биз Афғонистон эҳтиёжлари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини сотиб олиш ҳақидаги тақлиф нафақат иқтисодий жиҳатдан ўзаро манфаатли бўлади, балки икки томонлама муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда томонлар ўртасида Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажмини ошириш юзасидан келишувга эришиш мақсадида катта ишлар олиб боришмоқда. 2006 йил охирида томонлар ўртасида мазкур масала бўйича тегишли англашув меморандуми имзоланган эди.

Афғонистонда бу йўналишда таъйиргарлик ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, мамлакат пойтахти Кобулдан Ўзбекистон чегарасидаги Хайратон шахригача 420 километрлик электр узатиш тармоғи қурилиши олиб бориляпти. Айни пайтга қадар ушбу лойиҳа ишларининг 65 фоизи бажариб бўлинди. Афғонистоннинг бешта вилояти бўйлаб ўтаётган мазкур электр узатиш тармоғини Ўзбекистон электр энергияси тизими билан боғлаш йўлланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов ва «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси раиси Б.Тешабоев билан ушбу масала юзасидан олиб боришган музокаралар жуда самарали ва муваффақиятли кечди. Ушбу музокара-ларда Афғонистон томони мазкур тармоқ қурилиши 2008 йилнинг октябр ойида яқунлини-шини тасдиқлади.

Ҳозирги пайтда тегишли ҳужжатлар устида иш олиб бораётган қўшма эксперт гуруҳини тузиш тўғрисида келишувга эришилди.

— Сиз Ўзбекистонга сафарингиз чоғида Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдингиз. Биلاسизки, Татлим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шах-

ри 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Шунингдек, сиз Термиз шаҳрида ҳам бўлдингиз. Вазир жаноблари, Ўзбекистондаги зиёратларингиз таассуротлари қандай? Ўзбекистон ва Ҳиротнинг Урта асрлардаги (Темурийлар даври) ёдгорликлари меъморий услубида қандай уйғунликлари кўрасиз?

— Биз Афғонистонга энг ёрқин ва унутилмас таассуротлар билан қайтмоқдамиз. Аввало, Ўзбекистон ва бугун жаҳон мусулмонларини 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши билан табриқлашни истар эдик.

Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлар эканман, халқимизнинг самимиети ва меҳмондўстлигини кўриб ўзимни хориқлик, деб ҳис этмадим. Ўзбекистон заминида биринчи қадам қўйган шахримиз Термиз бўлди. Биз бу шаҳардаги замонавий қури-лишлар ва диққатга сазовор жойларни кўздан кечирдик. Ислам дунёсида муваффақир олим сифатида ном қозongan Ҳаким ат-Термизий макбараси зиёрати бизда алоҳида таассурот қолдирди. 2006 йилнинг нояб-рида ўтган аввалги таширфини-миз чоғида Самарқандга бори-ди, Амир Темури макбараси, Регистон ва бошқа меъморий ёдгорликларни зиёрат қилган эдик. Бу ҳам бизда унутилмас таассурот қолдирган эди. Шунинг учун алоҳида таъкидлаш-ни истардимки, Темурийлар даврида мамлакатларимизда қурилган ўрта асрлар ислом меъморчилиги ёдгорликларини ўзига хос тарзда бир-бирига уюшга йўғундик.

Мусулмон аҳлининг фахрий-иқтисодий ҳисобланадиган ислом бунёдкорлигининг нодир тарихий ёдгорликларини қайта тиклаш ва кўз қорачидайд асраб-авайлаш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Ислам Каримов томонидан кўрсатилган эътибор ва олиб борилаётган улкан ишларни алоҳида қайд этишни истар эдик.

Мамлакат раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Тошкентда қисқа муддат ичи-нда «Ҳазрати Имом» мажмуаси-сининг қайта тиклангани ва бу ерда олиб боришган катта бунёдкорлик ишларининг ўзбек инсонининг катта олийжанобли-гидан ҳамда ислом дини ва унинг анъаналарига садоқати-дан далолат беради.

Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида ҳар томонлама тараққиёт ва гуллаб-ялланшини тилайман.

Жамшид МУТЎЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Янги бош вазир

Буюк Британия қиролчаси Елизавета II Тони Блэрнинг истеъфосини қабул қилди ва бош вазир лавозимига Гордон Браунни тасдиқлади.

Тони Блэр ўн йилдан кўпроқ муддат ҳукуматни бошқарди. Фақат Маргарет Тэтчергина ундан кўпроқ муддат (11,5 йил) бош вазир лавозимига ишлаган.

Гордон Браун Бирлашган Қироллик тарихидаги эллик иккинчи бош вазир бўлди. У Тони Блэр ҳукуматида молия вазири бўлган.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, Гордон Браун янги ҳукуматга турли партияларга аъзо бўлган энг қобилиятли сиёсатчиларни йиғмоқчи. Бугун у ҳукумат аъзолари номини эълон қилди.

Миллиардернинг сирли ўлими

Лондонда мисрлик миллиардер Ашраф Марван сирли равишда вафот этди.

62 ёшли миллиардер собиқ президент Жамол Абдул Носирнинг кўеви эди. У Анвар Садатнинг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси ҳам бўлиб ишлаган.

Хабарларда айтилишича, Ашраф Марван Лондоннинг Сент-Жеймс парки ёнидаги хонадон балконидаги йиқилиб тушган.

Сўнгги йилларда миллиардернинг Исро-



ил разведкаси алоқадорлиги ҳақида бир неча китоблар чикқанди. Мутахассислар унинг ўлими шу билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин, деган тахминларни билдиришмоқда.

ЕКПА қарори



Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси чоршанба кунини швейцариялик депутат Дик Мартиннинг АҚШ Марказий разведка бошқармасининг айрим Евро-па давлатларидаги ноқонуний фаолияти ҳақидаги маърузасини тинглади.

Муҳокамалардан сўнг улар АҚШ ҳукумати Европадаги яширин қамқоқоналар маҳбусларига компенсация тўлаши керак, деган қарорга келдилар.

«Интерфакс»нинг хабар беришича, маърузада 2003-2005 йилларда Польша ва Руминия ҳудудида яширин қамқоқоналар фаолият кўрсатгани айтилган. Бу қамқоқоналарда террорчиликда айбланган маҳбуслар судсиз-сўроқсиз сақланган.

Компенсация тўлаш тўғрисидаги талаб овозга қўйилганда депутатларнинг 124 нафари уни қўллаб-қувватлади. 37 нафар депутат эса қарши чиқди.

Ёрдам учун 30 миллион евро

Европа Иттифоқи Ҳазо секторидagi қочқинлар учун 30 миллион евро миқдорида инсонпарварлик ёрдами ажратди.

Ушбу маблағ БМТнинг Яқин Шарқ бюроси орқали манзилига етказилади. РИА «Новостини» хабарида айтилишича, ЕИнинг ривожланиш ва инсонпарварлик ёрдамлари бўйича комиссари Луи Мишель Ҳазо секторига озик-овқатлар ва кийим кечакларни етказишда катта кийинчиликларга дуч келинаётганини таъкидлаган.

Маълумотларда қайд этилишича, қочқинлар учун жами 67,4 миллион евро миқдорида инсонпарварлик ёрдами ажратилади.



Ракета синови

КХДР чоршанба кунини соат 11:30да Камгунг музофотининг жанубидан Япон денгизи томон ўрта масофада ҳаракатланувчи ракета учирган. Бу ҳақда Reuters хабар тарқатди.

БМТ делегацияси расмий Пхеньяннинг ядровий дастурини текшириш учун мамлакатга келган пайтда ракета синовининг ўтказилиши ҳамжамиятда катта ташвиш уйғотди. Айниқса, кўшни давлатлар — Корея Республикаси ва Япония бу хабарни хавотир билан кутиб олди.

Ўрмонлар ёнмоқда

Тўрт кундирки, АҚШнинг Калифорния штатида ўрмон ёнғинлари давом этмоқда. Шу пайтгача 250 уй, 1200 гектар майдондаги ўрмонлар ёниб кетди.

CNN хабарида айтилишича, кучли шамол ёнғиннинг авж олишига сабаб бўлаётти.

Тилсиз ёниб ўтиришга 1889 нафар ўт ўчирувчи, 100 та ўт ўчириш машинаси, еттига вертолёт жалб этилган. Ёнғин содир бўлган жойдан 100 миңдан кўпроқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

Калифорнияда ёнғин туфайли фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Штат ҳукумати ёнғинни ўчириш учун бюджетдан қўшимча маблағ кидирмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



«Самарқанд деганда, тасаввуримизда дунёнинг энг кўҳна, қадимий тарихи ва шу тарихнинг бетакрор, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод мафтун қилиб қўядиган буюк намоёндалари сиймоси, мовий гумбазлар, муаззам миноралари ва ўлма обидалари жонланади» — деган эдилар мамлакатимиз Президентини.

Ҳа, Самарқанд шундай шаҳар. Унга ҳеч ким бефарқ қарай олмайдди. Унга дунё интилади, унинг табарруқ тупроқларини ҳатто хорижликлар ҳам қўзларига тўтиб айтайди. Асрлар билан юзлашган муқаддас обидаларидан нигоҳларини узолмайди.

Бугун ўзининг 2750 йиллик тўйига тарадуд кўраётган кўҳна шаҳарда туризмни ривожлантириш, сайёҳларга жаҳон андозалари даражасида шарт-шароитлар яратиш ҳамда малакали сервис хизмати кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўзни қувонтиради. Зеро, қисқа вақтда янги сайёҳлик йўналишлар барпо этилди, бир неча хусусий меҳмонхоналар курилди, бевосита туризм соҳаси билан боғлиқ фирмалар фаолияти янада жонланди.

Самарқандга ташриф буюраётган меҳмонлар ва сайёҳларга қўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, сифатини янада яхшилаш, тарихий обидалар атрофи ва туристик маршрутларда кенг ободончилик ишларини олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида «Вилоятда туризмни ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган минтақавий дастури» ишлаб чиқилди.

Жумладан, вилоят ҳудудидан ўтувчи туристик маршрутларда Булунгур, Ҳўргут, Нуробод ва Пахтачи туманларида сайёҳларга сервис хизмати кўрсатиш имкониятига эга 4 та кемпинг қурилиши режалаштирилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида туризм билан шуғулланган ҳуқуқига эга бўлган 80 та фирма, бирийла 3 минг нафар сайёҳни қабул қилиш қувватига эга бўлган 40 дан зиёд замонавий

САМАРҚАНДГА ОШУФТАЛИК

ва миллий усулда қурилган меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Дастлаб 500 ўринли «Афросиёб Палас» шаҳардаги тўрт юлдузли ягона меҳмонхона эди. Кейинчалик «Президент Отель» меҳмонхона мажмуаси ана шу сафга қўшилди. Яқинда қурилган «Панорама» хусусий меҳмонхонасида ҳам шундай шарт-шароитлар яратилди. Бундан ташқари Наврўз байрами арафасида миллий услубда қурилган яна 3 та меҳмонхона ишга туширилиб, шаҳарда меҳмонларни қабул қилиш қуввати 200 кишига кўпайди. Йил охирига қадар эса яна 6 та шундай меҳмонхоналар фойдаланишга топширилади.

2007 йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида Самарқандда фаолият юритаётган сайёҳлик фирмалари ҳамда меҳмонхоналар томонидан сайёҳлар ва меҳмонларга қўрсатишган умумий хизматлар ҳажми салкам 1,5 миллиард

сўмни ташкил этди. Олинган даромад 6,9 миллион 197 минг сўмга, экспорт

Туризм

ҳажми 907 минг 286 АҚШ долларига етди.

Шу даврда Самарқандга 12608 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди.

Бугунги кунда вилоятдаги туристик фирмалар ва меҳмонхоналар кўпроқ эътибор берилмоқда. Уч йилдан буён Самарқандга тўғридан-тўғри Бельгия ва Австрия давлатларидан ташкил этилаётган чартер рейслари аънанавий тўста кирмоқда. Жорий йилнинг март-апрель-май ойларида ҳам Австриядан худди шундай чартер рей-

си билан бир ярим мингга яқин сайёҳлар ташриф буюришди.

Самарқанд сайёҳлик компаниялари худди шундай чартер рейслари ташкил қилиш юзасидан бошқа давлатлар билан ҳам келишувлар олиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда

янинг Ургут туманидаги «Минг арча» маскани, Самарқанд туманидаги Оҳалик дам олиш ҳудуди, Жомбой туманидаги «Зарафшон» қўриқхонаси ва бир канча янги дам олиш масканлари билан ҳам келишувлар олиб тузилди. «Мерос» жамғармаси томонидан тикланган Самарқанд қозғонини тайёрлаётган Конгил қишлоғидаги қорхонанинг манзили ҳам, бетакрор тарихимизнинг ноб ҳижатларидан намуна сифатида туристик йўналишга киритилди.

Сайёҳлар сонини янада кўпайтириш мақсадида ҳар йили Самарқанд шаҳрида «Ўзбек миллий таомлари ва Шарқ ширинликлари» фестивали, «Самарқанд хунармандлари асарлари» кўргазмаси, «Самарқанд нонлари» ва бошқа турил хилдаги анжуманларни ўтказиш аънанана айланмоқда.



Хорижий ва маҳаллий туристлар учун мўлжалланган ҳудудий дам олиш жойлари ва янги туристик маршрутларни кўпайтириш, экотуризмни янада ривожлантириш мақсадида вил-

«Ўзбектуризм» минтақавий бўлими томонидан Жаҳон банки ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан туристлар учун вилоятдаги тарихий, маданият-маънавий ёдгорликлар, хунармандлар, меҳмонхона ва рестороанлар ҳамда сайёҳлик йўналишлар ҳақида ахборот берувчи махсус китобча нашр этилди. Хусусий сайёҳлик ташкилотлари томонидан чоп этиладиган турли хил туристик ахборот ва реклама буклетларида ҳам кўҳна Самарқанд тарихи кенг баён этилмоқда.

Абдураҳул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚҚ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб, қўшма қорхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган маҳсулотига тарихда мисли кўрилмаган даражада куйидаги ЧЕГИРМАЛАРНИ эълон қилади:

Барча турдаги пластмасса маҳсулотларига	30% дан 50% гача.
Сополдан ишланган маҳсулотларга	30% гача.
Юқори бадиий чинни маҳсулотларига	20% гача.
Матодан ишланган сунъий гуллар	30% гача.

Юртимиз ғаллакорлари ва деҳқонлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

ғалла йиғими мавсумида қатнашаётган барча меҳнаткашлардан 2007 йилнинг 20 августига қадар 6 ой муддатга очилиб, йиллик 26 фоиз ҳисобидан даромад тўланадиган

«Ҳосил-2007»

жамғарма омонатига маблағлар қабул қилишни давом эттиради.

Сиз «Ҳосил-2007» жамғарма омонатига маблағларингизни «Пахта банк»нинг исталган филиалига кўйишингиз ҳамда улар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Шу билан бирга «Пахта банк» республикада истикомат қилаётган барча юртдошларимизга қулай ва манфаатли бўлган «Сармоя-1» жамғарма омонати ҳамда «Даромад» муддатли омонат турларини ҳам таклиф этади.

Ушбу омонат турларига маблағлар сақлаш муддати тугаган омонатларни қайта расмийлаштириш орқали ҳамда нақд пулда 1 ойдан 1 йил муддатгача сақлаш шарти билан қабул қилиниб, йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонатлар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз!
«Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!

«Пахта банк» — муваффақиятингиз калитидир!

Божхона

Ҳийласи ўтмади

◆ Наманган вилояти боғжоначилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда «Мерседес-Бенц» русумли юк автомашинасини текширишганида, фуқаро Шавкат Турдалиев қиймати 27 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акция маркалари билан тамғаланмаган 46 минг қўти тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда республикамизга олиб кираётгани аниқланди.

Тошкент вилояти боғжоначилари Тожикистондан кириб келаётган автомашинани текширишганида, фуқаро Абдуҷалил Воҳидов хорижда ишлаб чиқарилган қиймати 3 миллион сўмлик 7 минг қўти тамаки маҳсулотини айланма йўллар орқали юртимизга ноқонуний равишда олиб кирмоқчи бўлгани маълум бўлди.

Юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

«Иситмаси» ошқор қилди

◆ Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари «Истамбул-Тошкент» йўналиши бўйича юртимизга учиб келган фуқароларни боғжона назоратидан ўтказиш чоғида Хосиятхон Холиқова ўзи билан ваэни 550 гр. тилла буюмларини, яна бир ҳамюртимиз Шохиста Аслиддинова эса ваэни 300 гр. заргарлик буюмларини республикамизга яширинча олиб кирмоқчи бўлгани аниқланди.

«Боку-Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган республикамиз фуқаролари Мамлакат Ахунова ва Гулнора Сиддиқоваларнинг ҳам 400 гр. қимматбаҳо заргарлик буюмларини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришлари олди олинди.

Хозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мақсадига етолмади

◆ Тошкент вилояти боғжона бошқармаси «Ғишт-кўприк» боғжона комплекси ходимлари юртимиздан хорижда чиқиб кетаётган фуқароларни боғжона назоратидан ўтказиш чоғида фарғоналик Мўстабар Комиловани ўзи билан 13 дона қадимий китобларни четга яширин тарзда олиб чиқмоқчи бўлгани аниқланди. Мазкур китоблар экспортдан ўтказилганда, улар XVIII, XIX аср охириларида босиб чиқарилган бўлиб, фалсафа, мантиқ, маданият ва тарих фанларига доир муҳим қўлёзмалар эканлиги маълум бўлди.

Боғжона ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 26 ҳолатда тарихий аҳамиятга эга бўлган бойлиқни юртимиз чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олди олинди.

H. САЛОМОВ.

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

IQTISOD-MOLIYA наشريёти


ПРОФЕССОР М.ОСТАНАКУЛОВНИНГ КУЙИДАГИ ДАРСЛИК ВА ҚўЛЛАНМАЛАРИНИ ЧОП ҚИЛИШНИ БОШЛАДИ:

1. Бухгалтерия ҳисоби назарисси (дарслик) (2-нашр).
2. Buxgalteriya hisobi nazariyasi (darslik) (2-nashr).
3. Бюджет ҳисоби (дарслик).
4. Byudjet hisobi (darslik).
5. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (қўлланма).
6. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях (пособие).
7. Бухгалтерия ҳисоби (Мақтаб бухгалтерларига ёрдам).

Юқоридаги дарслик ва қўлланмаларни сотиб олишни хоҳловчи юридик ва jisмоний шахслар нашриёт билан шартнома тузишлари ва пул ўтказилгандан сўнг 20 кун ичида шартномада курсатилган дарслик ва қўлланмаларни олиб кетишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: (8-371) 134-76-05. Факс: (8-371) 111-76-91.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



Яккабоғ туман маркази — Эски Яккабоғ шаҳарчасида жойлашган «Саховат уйи»нинг ён атрофи дарахлар билан ўралган. Гулзорлари, озода ҳовлиси, йўлақларидан саришталик уфуради. Бу ерда 18 ёшдан ошган 1 ва 2-гурӯх ногиронлари, қаровчиси йўқ ёлғиз қариялар республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги йўлланмаси билан юборилади. Улар 147 нафар бўлиб, ходимларнинг меҳрига боғланиб қолишган. Тўкин дастурхон, озода ва саришта хоналар, телевизор. Кутубхона мудираси Лола Эргашева хизматга мунтазир. Ҳар куни бу ерда яшовчиларнинг юрак ва қон томири уриш даражаси, ҳарорати ўлчаб турилади. Еб-ичиши эътиборда. Кексалик чоғида ёлғизлини қолган одамга тагин нима керак?

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

Гоҳ-гоҳида уларни кўргани яқин қариндошлари келиб туришади. Баъзилари қўяда қўймай, қариндошлик меҳри тортиб, уйларига ҳам чорлаб қоладилар. Лекин буни қаранг-ки, қариялар ўз қариндошлариникида ҳам уч ёки тўрт кундан ортиқ бўлишмайди. Хоразим Наманганга, шу ёшида йўл азобини тортиб боришган, яқинлари бир-икки кун эъзоз қилишган бўлишса-да, тагин орқаларига қайтишни истаб қолишади, улар. Сабаби, «Саховат уйи»да алоҳида бир меҳр, эътибор, олийҳимматлик бор. Бу гапни бизга на директор Нўмон Курбанов, на шифокор Норбиби Пирбобоева айтиди. Аксинча, шу ерда яшовчиларнинг ўзлари айтишди, ўзлари таъкидлашди. «Саховат уйи»нинг ҳар бир ходими мен учун жондан азиз, кишилар бўлиб қолишган, — дейди етмиш беш ёшни қоралган онахон Анна Носкова. — Улар қўрсатаётган меҳр, эътибор умримизга умр қўшапти.

Ҳаёт мураккаб. Кимдир бу ҳаётда фарзанд орузида яшайди, бироқ орузлари сароб бўлиб чиқади. Кимдир ўз фарзандларидан ҳам, яқин қариндошларидан ҳам меҳр топмайди. Уларни ўқинмай яшашини таъминлаб, ҳаётини мазмунли ўтказишга эришиш, огирини енгил қилиш — «Саховат уйи»дагилар фаолияти мазмуни. — Меҳр-оқибат, инсонпарварлик давлатимиз сиёсатида айланмаганда бизнинг ҳаётимиз қандай кечарди, буни айтиш кийин, — дейди доимий яшовчилардан бири Исмаилов ака. Қадди-қомати тик, қарашлари ўткир бу отахонни ҳаёт аяб ўтирмади, неча бор огир синовлардан ўтказди. Кимларнингдир таъсирида жиноятчи гуруҳларга қўшилиб, йўлидан адашди. Кўзи кеч очилди. Кексалик чоғида ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Яқин қариндошлари унинг аччиқ ўтмишларини юзига солишди. Ундан то-

нишди. Лекин давлатимизнинг инсонпарварлиги туфайли ёлғиз қария қаровсиз қолмади. — Қарияларимиз бўш вақтни китоб ўқиб ўтказишни яхши қилишади, — дейди директор. — Уларнинг бир-бирига яқин ва мос ўз давраси бор. Биз ҳам ана шу ҳолатларни эътиборга оламиз. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабзга, қиру дала-ларга тез-тез саёхатга олиб чиқилишимиз, концертлар уюштиришимиз уларни қувонтиради. Бизда яшаётганларнинг 58 нафари кекса аёллар, ногиронлар, ўғилдан ортиги тўшада ётиб қолганлар эканлиги доимо хушёрлик талаб қилади. Ходимларимиз бунга ўрганиб кетишган. Беҳтиёр қарияларнинг ҳаёт лаҳзаларини бўстонларга айлантираётган, уларнинг огир дамларига шерик бўлиб яшаётган фидойилар исми-шарифини қозоғга тушираемиз: Гулсара Каримова, Зиеда Аллаёрова, Холбиби Мирзаева

сингари ҳамширалар, Лола Норова, Ойнаҳол Меилиева, Жамила Жалиловадек жонқур ходимлар. «Саховат уйи» олийҳиммат кишилар саховатидан тобора чирой очмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи бу ерда спорт мажмуасини қуриб, ишга тушириб берди. 20 миллион сўмлик кийим-кечаклар, юмшоқ жиҳозлар ва озиқ-овқатлардан ёрдам кўрсатишди. «Бурхонбой» савдо ишлаб чиқариш фирмаси 9 май арафасида 300 минг сўмлик озиқ-овқат уюштириб, байрамни ўтказиб берди. Шаҳрисабз тиббиёт коллежининг хаваскорлик гуруҳи концерт кўрсатиш учун қариялар хўзурига келди. Энг муҳими — «Саховат уйи» давлатимиз эътиборида. Шу сабабдан ҳам ушбу даргоҳ меҳр-оқибат гўшасига айланган.

Бобоёр АБДУЛЛАЕВ.

Биринчи давра яқунланди:

Футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионати олий лигасида биринчи давра ўйинлари яқунланди.

Ҳозирча «Пахтакор» пешқадам

Биринчи давранинг сўнгги 15-тур учрашувлари ҳам қизгин курашларга бой бўлди. Турнинг марказий ўйини пойтахтимиздаги МХСК стадионида «Курувчи» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда 0:0 натижа қайд этилди. Албатта, бу ҳисоб «Пахтакор»га фойда келтирди. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Локомотив»ни қабул қилиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозondi. Яна бир марказий ўйин «Самарқанд-Динамо»



ва «Машъал» жамоалари ўртасида ўтказилди. Биринчи бўлимда майдон эгаларидан Даврон Файзиев, меҳмонлардан эса Ҳамза Каримовлар тўп киритиб, ҳисобнинг 1:1 дуранг натижа бўлишини таъминладилар. Иккинчи бўлимнинг охирида Фарход Тожиёвнинг дарвозага йўллаган тўпи «Самарқанд-Динамо»нинг 2:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Қолган учрашувларда куйидаги натижа қайд этилди: «Навбахор» — «Трактор» — 2:0, «Бухоро» — «Металлург» — 2:1, «Тўпаланг» — «Вобкент» — 0:0, «Насоф» — «Андижон» — 4:4, «Қизилқум» — «Шўртан» — 1:2.

Биринчи даврани «Пахтакор» жамоаси 41 очко тўплаб пешқадам сифатида яқунлади. «Нефтчи» 38 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Мавсум дебютанти «Курувчи» жамоаси эса 36 очко жамғариб, учинчи ўринни эгаллаб турибди. Турнир жадвалининг куйи қисмидан «Тўпаланг», «Локомотив» ва «Металлург» жамоалари жой олган.

Иккинчи давра ўйинлари ўфф тақвимига кўра, 5 август куни старт олади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

АБДУЛЛА КОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йили учун қабул эълон қилади.

Бакалаврият таълим йўналишлари

- 1. Касб таълими (маданият ва санъат).
2. Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик.
3. Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича).
4. Ижтимоий-маданий фаолият.
5. Халқ ижодиёти (турлар бўйича):
а) оммавий байрамлар режиссураси;
б) фольклор-этнографик жамоалари ташкилотчиси;
в) вокал жамоалари ташкилотчиси;
г) чолғу жамоалари ташкилотчиси;
д) халқ ашула ва рақс ансамбли ташкилотчиси.

Магистратура мутахассисликлари бўйича

- 1. Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик (соҳалар бўйича).
2. Ҳужжат юритиш, ҳужжатшунослик ва архившунослик.
3. Маданиятшунослик.
4. Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича).
5. Маданият социологияси.
6. Ижтимоий-маданий фаолият рекламаси.
7. Оммавий байрамлар ташкилотчиси.
8. Халқ театрига раҳбарлик.
9. Фольклор-этнографик жамоаларга раҳбарлик.
10. Халқ чолғу асбоблари ансамбли, ашула ва рақс жамоаларига раҳбарлик.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй. Телефон: 162-27-99.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мақсуд асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Ўлчаш диапазони: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Ўлчаш диапазони: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Ўлчаш диапазони: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчлагичлари.

- Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаби» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Municipal Aukcion Markazi»

сизларни 2007 йил 3, 6 июль кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 22 декабрдаги 11-0622/11462-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Metalloplastmass» ОАЖнинг мол-мулкларини мужассам ҳолда бошланғич нархи 578 442 000 сўм миқдорда қайта савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида қатнашни учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашни истагани билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорда закатат пулини савдо ташкилотчиси — «Municipal Aukcion Markazi», АИКБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 202080000045505001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй. Телефон: 144-88-04.

Гувоҳнома: М 001568-09.

Темирўлчилар тухфаси

Тўртқўл туманидаги «Лочин» ёзги болалар оромгоҳи Хўжайлидаги 1-«Меҳрибонлик уйи»нинг 90 нафар тарбияланувчисини ўз бағрига олди.

Шўраҳон кишлоғидаги бу баҳаво масканда улар таълини кўнгилли ва сермазмун ўтказишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Оромгоҳни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тўла жиҳозлаб берди.

Мавсум давомида бу ерда 250 нафар ўғил-қиз дам олади.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

LOK KOLOR SINTEZ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁК МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР (девор ва шифтлар учун бўёк) ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёк) Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ

Пол учун ЭМАЛЬ Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ Сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР

Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР

Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун ЮКОРИ АТМОСФЕРА ТАЪСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР Йўл чизгилари учун БЎЁК

Ёғоч ва бўйлаган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР ХИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка) Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёк саноати учун яримфабрикат лак)

Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг куйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22.

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22. Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63. E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

NISSAN 195 - 88 - 77 ВСЬ МОДЕЛЬНЫЙ РЯД ОТ 14 500 у.е. + подарок

ГЎЗАЛ ЯНА БИРИНЧИ!

Хиндистоннинг Гувахаси провинциясида енгил атлетика бўйича давом этакетган Осий Гран-приси мусобақаларида қитъамизнинг энг кучли спортчилари қаторида ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Енгил атлетиканинг 100 метрга югуриш беллашувларида ўзбекистонлик Гўзал Хуббиева барча ра-



қибаларини ортада қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан Лилия Дусметова найза улоқтириш, Надия Дусанова эса баландликка сакраш бахсларида терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медал келтирди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎзА мухбири.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буферига Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ойрат усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Копиялар 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — О. Файзиёва. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4